Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 1 февраль. Чоршанба. № 8 (14262) ترکستان TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари — мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.**

Мажлисда комиссиянинг шу йил 2 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган бу борадаги вазифаларнинг қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Бу ҳақда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат корпорацияси ва концернлари, уюшма ва бошқармалар, корхоналар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар туманларининг ҳокимлари ахборот берди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага оид қабул қилган қарорига мувофиқ эски шаҳар ҳудудида аҳолининг яшаш шароитини яхшилиш бўйича дастлабки тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, бузилиши керак бўлган хонадонлардан аҳолини кўчириш учун янги уй-жойларни бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани таъкидлаб ўтилди.

Ватанимиз пойтахтини янада ободонлаштиришга тааллуқли бошқа кўплаб масалалар, бу борадаги айрим муаммолар, уларни тезда бартараф этиш йўллари йиғилишда атрофлича муҳокама этилди.

Мажлисда умумхалқ байрами — Наврўз ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги кунига тайёргарлик масалаларига, хусусан, иншоотларни вақтида битказиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

## СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари иштирокида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалда бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг, вилоят ҳокимликларининг масъул ходимлари маъруза қилди ва тажриба алмашди.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида, тўлақонли бажарилишига эришиш, уни кўриб чиқишда сансоларликка ва тўраларча муносабатларга йўл қўймаслик, ижрочиларнинг масъулиятини ошириш, аризалар ва шикоятларнинг эгаларига мурожаатлари юзасидан текшириш натижаларини албатта етказиш, назоратни янада кучайтириш масалаларига қаратилди.

Кенгашда, шунингдек, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.



Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида ўнлаб тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Суратда: 56-мактаб ўқувчиси Ҳасан Олимов устози Санобар Аннаевадан наққошлик сирларини пухта ўрганмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

# ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИР КУНИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Осойишталикда ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих зарварақларига қайд этилмоқда. Зеро, ҳар куни мамлакатимиз ҳаётида ўнлаб қувончли ҳодисалар рўй бераётир, янги корхоналар ишга тушаётир. Шунинг учун ҳам биз янги рукн очишга қарор қилдик. Бу рукн асосида вақти-вақти билан сизни республикамиз ҳаётидаги янгиликлар билан таништириб бориш ниятидамиз.*

*Хўш, Бухоро ва Жиззах вилоятларида шу кунларда қандай қувончли ишлар бўлаётир?*

### ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Яқинда хотин-қизлар кенгаши фаоллари ташаббуси билан «Ватан оиладан бошланади» деган адабий-публицистик кеча бўлиб ўтди. Уни кенгаш раисаси Мамлакат Атоева олиб борди.

Кечада вилоят марказида яшаб, ҳалол меҳнат қилаётган олималар, муаллималар, тиббиёт соҳаси ходимлари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар аёллик шаъни, унинг оиладаги оналик ва бекалик ўрни, оталарнинг бурчи ҳақидаги ўз мулоҳазаларини тўлқинланиб гапирдилар.

Шу куни маърузачилар чиқишларида поклик, ҳалоллик, оила бутунлиги, соғлом авлод ўстиришнинг муҳим омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Ватан, юрт, оналар мадҳи, севги-муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар кеча файзига файз қўшди.

### НАҚШБАНДИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Бултур улуғ сўфий ва мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг муборак 675 йиллиги жаҳон афкор оммаси ва халқимиз томонидан қизғин нишонланганди.

Ушбу савобли тадбир шарофати билан Бухоро Давлат университети ҳузурида «Нақшбандия таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш» илмий маркази ташкил қилинди. Маълумки, жаҳоннинг кўпгина обрўли ўқув юртларида Нақшбандия илмий маркази ва жамиятлари самарали фаолият кўрсатиб келаётган бир пайтда мазкур таълимот асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ватанида шундай илмий марказнинг йўқлиги ажабланарли бир ҳол эди.

Марказнинг иш бошлаганига эндигина иккинчи йил кетаяпти. Шунга қарамай, Нақшбандия илмий марказининг фаолияти таҳсинга сазовордир. Улар иштирокида ўтказилаётган суҳбатлар, маърузалар аллақачон тингловчилар кўнглидан жой топиб олди. Марказнинг хайрли ва савоб ишлари ҳали олдинда. Унинг асосий вазифаси — тасаввуф илми ва сўфийлик адабиёти таълимотларининг фалсафий моҳияти, хусусан Хожагон Нақшбандия тариқати анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишдир.

**Дилмурод ЖАББОР,**
**«Туркистон» мухбири.**

### «МЎТТИ» ЖИЗЗАХДА

Шерали Ҳожиев бошлиқ «Мўтти» театр-қизиқчилар жамоаси бир ҳафта мобайнида «Зарбдор», «Пахтакор», «Зафаробод» туманларида ва Жиззах шаҳрининг қатор мактабларида томоша қўйдилар. Айтишларича, кейинги йилларда ҳаттоки марказдан ўта таниқли қизиқчилар ташриф буюришганда ҳам тўлмай қолган томошахоналарда бу гал одам тирбанд бўлди. Бунинг боиси — Мўтти (Шерали Ҳожиев)ни Жиззахда кўпчилик севади.

*Республика Вазирлар Маҳкамасида*

## ИСРОФГАРЧИЛИК ҲАЛИ КЎП

**25 январь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Республика вазирликлари ва идоралари бўлинмаларида нефть маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

Комиссия кўрилаётган чораларга қарамай, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бепарволиги туфайли, вазирликлар ва идоралар томонидан назоратнинг йўқлиги сабабли нефть омборлари хўжалиги ишини такомиллаштириш, уларни зарур ўлчов асбоблари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаётганини, бошқа камчилик ва нуқсонлар ҳам тугатилмаганини таъкидлади. Алоқа вазирлиги (вазир К. Раҳимов), «Ўзолмосолтин» уюшмаси (раиси Ш. Нажимов), Олмалиқ конметаллургия комбинати (бош директори В. Сигедин), «Қизилқумкамёбметаллолтин» концерни (раиси Н. Кучерский), Ўзбекистон иккиламчи рангли металлар акционерлик жамияти (бош директори Р. Муҳаммадхўжаев) корхоналарида нефть маҳсулотларини нобуд қилиш ва ортиқча сарфлаш, шунингдек уларнинг сифатини бузиш ҳоллари аниқланди. Ўзбекистон металлургия комбинати (бош директори А. Анохин), «Махсус қотишма» республика бирлашмаси (раҳбари П. Мақсудов) корхоналарида нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улар нималарга сарфланаётганини назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Шу идораларга қарашли корхоналарни саралаб текширилганда 43 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилгани ва ортиқча сарфланганини, 120 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотларининг сифати бузилгани маълум бўлди. 50 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотларини ҳисобдан яшириш ҳоллари аниқландики, бу ҳол турли суиистеъмоллар учун шароит яратади.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида нефть омборлари хўжалигининг аҳволи ҳамон қониқарсиз. Бу ерда хўжаликлар нефть омборлари ва корхоналарининг 80 фоизи техник аҳвол ва ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари борасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни саккиз ой давомида бартараф этмаган. Қорақалпоғистон Республикасининг айрим корхоналарида ҳам аҳвол шундай. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига нефть маҳсулотларидан фойдаланишда бузилишларга йўл қўйган шахсларнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди. Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш масалаларидаги бетайинлиги учун «Махсус қотишма» республика бирлашмаси Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директорининг ўринбосари В. Базаевни, «Ўзметкомбинат» ёнилғимойлаш материаллари шўъбаси бошлиғи Н. Назаровни, иккиламчи қора металлар акционерлик жамияти автогаражи бошлиғи У. Зокировни, Алоқа вазирлигига қарашли учинчи автотранспорт корхонаси директори С. Одиловни вазифасидан бўшатиш тавсия этилди.

Комиссия мажлисида Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг энергия ҳосил қилишга, шунингдек ўз эҳтиёжларига ва ташишга ёнилғи сарфини камайтириш, энергияни истеъмол қилишни назорат этишнинг автомат тизимини жорий этиш ишлари кўриб чиқилди. Тармоқ раҳбариятининг эътибори кўрилаётган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди.

Ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг 1994 йилдаги ишларига якун ясаш чоғида комиссия кўрган чоралар давлат йўли билан нефть маҳсулотларини етказиб бериш доирасида вазирликлар ва идораларнинг автотранспорт ишини барқарорлаштиришга имкон бергани таъкидлаб ўтилди. 50 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулотларининг исроф бўлишига чек қўйилди ва улар ишлаб чиқаришга сарфланди. Нефть маҳсулотлари ўрнига ёнилғининг бошқа турларидан фойдаланишга ўтиш тадбирларини амалга ошириш ҳисобига 56 минг тоннадан кўпроқ автомобиль ёнилғиси тежаб қолинди. Шу билан бир вақтда газ, қозонхона-печ ёнилғиси, иссиқлик ва электр энергияси ҳамон кўп исроф бўлмоқда, ёнилғи ресурслари қониқарли ҳисобга олинмаяпти. Бундай нуқсонларни тугатиш юзасидан тавсиянома берилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов сўзга чиқиб, ёнилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг сира кечиктирмай ҳал этишни талаб қиладиган долзарб муаммолари тўғрисида гапирди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари В. Чжен, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов иштирок этишди.

(ЎзА).

## СОВҒАГА — ЧЕТ ЭЛ МАГНИТОФОНИ

Жиззах муаллимлар институти ва Политехника институти талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» баҳси ўтказилди. Узоқ беллашувдан сўнг ҳакамлар ғолибни аниқлашди. Ғолиблар — муаллимлар институти талаба-ёшлари Тошкентда ўтказиладиган ана шундай беллашувга йўлланма олдилар ва Ёшлар Иттифоқи Жиззах вилоят қўмитасининг совғалари — икки кассетали чет эл магнитофони, осма соат билан тақдирландилар.

**Абулқосим Муҳаммад РАСУЛ,**
**«Туркистон» мухбири.**

*Ҳозирги ёшлар*

## ЭЪТИБОР

Ўша куни Отамуродга кўпчиликнинг ҳаваси келгани аниқ. Унга бир неча мукофот топширилди. Сабаби — меҳнатсеварлиги. Сезганимиз — меҳнатнинг қадрланганини.

Яхши анъаналаримиз, одатларимиз барибир йўқолмайди. Бўлмаса ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида икки юздан ортиқ ёшни йиғиб, ҳар бирига меҳнатига яраша совға бериш — Ёшлар Иттифоқи ташкилотига осон эмас.

Ўзбекистон ЁИ Самарқанд вилояти қўмитасининг ташаббуси билан ўтказилган сайл-дала юмушларидан бўшаб, баҳорни орзиқиб кутиб юрган ёшлар учун кўнгилли бўлди. Шунинг учун бўлса керак, таклиф этилганларнинг ҳаммаси ҳозир бўлишди.

Янглишибмиз, бир қиз бетоблиги боис, онасини юборибди. Сайлда онахон ёшлар билан биргаликда мазза қилиб ҳордиқ чиқарди. Кечқурун қизига аталган совғани олиб, уйига хурсанд қайтди.

Хабарим бор — Ёшлар Иттифоқи қўмитасида бу тадбирга узоқ тайёрланишди. Унга ҳомийлик қиладиган ташкилотлар ҳам топилди. Мукофотларни ҳақиқий эгаларига топшириш учун ёш механизаторлар, ғалла ўрувчилар ўртасида мусобақа эълон қилинганди.

Улар мусобақа якунида совғаларни ғолибларга шунчаки топшириш билан чекланмадилар. Самарқандда яхши анъана бор. Ёшлар Иттифоқи ташкилоти уюштирадиган тадбирларда, албатта, уларнинг ўз совриндорлари хизматда бўлишади.

184 тонна пахта териб, нафақат Каттақўрғон туманидаги «Қорадарё» жамоа хўжалигида, балки вилоятда Отамурод Узоқов ғолиб деб топилди. Вилоят ҳокимияти унга пуллик мукофот топширди.

157 тонна пахта териб хирмонга тўккан иштихонлик Саттор Алламуродовга иккинчи мукофот насиб этди.

Фақат машинада пахта терганлар эмас, ғалла, мева-сабзавотни йиғиштириб олишда фаол иштирок этганлар ҳам тақдирланишди.

Олий ўқув юртлари орасида — Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабаларига биринчи ўрин насиб этди. Қўл теримида ғолиб чиққанлар ҳам мукофотли бўлишди.

Гапнинг қисқаси, шу куни сайлга таклиф этилганларнинг бирортаси ҳам совғасиз қайтишмади.

Яхши нарсаларнинг огоҳидан бошқалар ҳам хабардор бўлади. Йиғилганларга Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Нарзулла Ҳазратов яна бир янгиликни эълон қилди. Санъат соҳасидаги муваффақиятлари учун бир гуруҳ ёшлар вилоят ташкилоти совринига сазовор бўлишибди.

**Гули ЧЕҲРА,**
**«Туркистон» мухбири.**

*Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

## БУХОРО ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти қўмитасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда 1994 йил якунлари ва 1995 йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокама этилди. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят қўмитасининг биринчи котиби Алишер Ҳидиров маъруза қилди. Иккинчи масала юзасидан эса вилоят болалар ва ўсмирлар уюшмасининг раисаси Мастура Ҳамроеванинг йиллик ҳисоботи тингланди.

Ҳар иккала масала юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Унда ишдаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди ҳамда бир қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага қўйилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Пленумда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Тешабоев, вилоят ҳокимининг муовини Абдужалил Халиловлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

(Ўз мухбиримиз).

*Қадриятларимиз*

## ЎЗЛИКНИ ТАНИШ

**ҲАР КИМНИНГ қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди, дейди донолар. Зеро, бу ҳақиқатдир. Истиқлолга қадар биз жуда азиз маънавий неъматларимиздан ажралиб қолаётган эдик, масалан, тил, қадриятлар, иймону эътиқод, ҳатто она Ватан ва ўзликни таниш саодатидан.**

Гапнинг очиғи, вақтида биз қизил империя ғоялари руҳида тарбия кўрганмиз. Шаҳардаги Горький номли рус мактабида таълим олдим. Эҳтимол, шу сабаб она тилини унутиб юбораёзган эдим. Лекин истиқлол шарофати билан тилимизнинг мавқеи ошди, авваллари фақат хорижий маданиятга меҳр қўйган бўлсак, ҳозир ўз қадриятларимиз улардан минг чандон азиз эканлигини ҳис этмоқдамиз.

1993 йили Қурбон ҳайити кунлари Ҳаж сафарига бориб келдим. Худога шукрки, оламга машҳур Макка ва Мадина каби муқаддас жойларда бўлиш менга ҳам насиб этди.

Яқин-яқинларда ҳатто жанозага борсак ҳам ҳадиксираб турар эдик. ВЛКСМ ё КПСС аъзоси бўлса-ку, маъракага боришдан чўчирдик ҳам. Шукрким, бу ҳадик-хавотирлар ҳозир бизни безовта қилмайди. Корхонамизда барча бирдек ҳалол меҳнат қилади. Бунга сабаб-бугун нима эксак, эртага шуни ўрамиз, шу замин ўзимизники, шу Ватан ҳам. Истиқлол ҳам, иймон ҳам, эътиқод ҳам...

Устозим Нормурод Ҳимматалиевдан ниҳоятда миннатдорман. У киши маърифатли, меҳнаткаш одам. Ҳамкасбларим Амир Эргашев, Шопўлат Хидиров, Эркин Пўлатов, Файзи Сафаров, Турди Пирриев, Пиримқул Тангриқуловлар ҳам ишда илғор, ҳам хизмат маданиятига эътибор берадиган, шу билан бирга диний ақидаларга ҳурмат билан қарайдиган кишилардир. Уларнинг фидойилиги туфайли жамоамизда ютуқлар кўпайиб, маънавиятга, миллий қадриятга муҳаббат кучайиб бораётир. Жамоамизда, айниқса, ёшлар кўпчиликни ташкил этишини, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, юртга эгалик туйғуси қарор топаётганлигини эътироф этиш керак.

Баъзан фақат мол-дунё йиғаман деб бўш вақтларда китоб ўқишни, кино ёки спектакль кўришни, яхши ҳордиқ чиқаришни унутиб қўядиган кишиларни кўрганимда ҳайрон қоламан. Бизнинг корхонамизда ундай ёшлар кам. Дам олиш учун шароит етарли. Ҳаммом, дам олиш хонаси қурилаётир. Яқинда мен «Ўтган кунлар»ни, кейин «Йиллар армони», «Диёнат», «Лолазор», «Сўнгги бекат» каби китобларни мутолаа қилдим, улар кечаги кунни янгича идрок этишга, демак, ўзликни танишга хизмат қилади.

Саудия Арабистонида бўлганимда муҳожирликда юрган кишилар кўзидаги мунгни кўриб, юрагим эзилиб кетган. Уларда ҳамма нарса муҳайё. Турмушида камчилик йўқ. Бироқ, Ватан соғинчи нисбатан эрта кексайтирган. Шундай одамларга кўзим тушганида: «Худога шукр, она Ватаним, мен сенинг бағриңгдаман!» дея ҳайқиргим келди.

Инсон нимагадир меҳр, эътиқод қўйиб яшаши керак. Чунки эътиқод бўлмаса, умр мазмунсиз кечади. Агар эътиқодга хиёнат бўлса-чи? Бундан худонинг ўзи асрасин.

Бизнинг вазифамиз — Ватан хизматига камарбаста бўлиш. Зеро, бугун экилган ниҳол эртага ҳосил беради, унинг мевасини бошқа биров эмас, балки ўзимиз тановул қиламиз. Шунинг учун ҳам азал-азалдан ота-боболаримиз Ватанни жуда азиз билган, унинг ҳар бир қарич ерини боғ-роғга айлантиришга интилган. Аждодларини бағрида асраётган шу заминни, она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган шу Ватанни жондилдан севган. Зеро, шоир айтгани каби:

**Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,**
**Инсон ҳаётида қолур бемазмун.**

**Муборак рамазон ойи арафасида мана шу ўйлар менинг хаёлимдан ўтди. Аллоҳ таоло шу кунларга етказгани учун шукроналар қилдим, зеро умримизнинг ҳар бир лаҳзаси иймон-эътиқод, қаноат ва ишонч, яхши ният билан ўтаётган экан, бундан ортиқ саодат борми, ахир!**

**Эшдавлат ҳожи АННАҚУЛ ўғли,**
**Термиз Нефть маҳсулотлари корхонаси ишчиси.**



*Таллимаржон ГРЭСи нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳудудида ҳам ўз қуввати, ишлаб чиқариш суръати билан етакчи ўринларда туради. Суратдаги тутун қувурини тиклаш учун 2200 тонна металл ва 11 тонна бетон қоришмаси ишлатилди. Унинг баландлиги 270 метр.*

**Ш. ШАРОПОВ сурати. (ЎзА)**

*Истиқлол қалдирғочлари*

## «ТАРАНЧИЛАР» БИЛАН ҲАМКОРЛИК

- Ўрганса арзийди
- Битта пўстиннинг нархи ...
- Ёшларга ҳам иш бор

Пахтачи туманидан Туркиянинг Истамбул шаҳрига ташриф буюрган Абдумурод Абдуолимов, Мели Фармонов, Мурод Ражабов ва Абдумажид Қаландаровлар мовий денгиздан, кўм-кўк ва турли туман дарахтлар, осмон ўпар бинолар, қаёққадир шошаётган хушбичим кийимли кишиларнинг шиддатли ҳаракатидан ва шаҳарнинг чиройидан бир ҳайратга тушган бўлсалар, «Таранчилар» терини қайта ишлаш корхонасидаги иш жараёнидан ўн карра ҳайратландилар. Улар теридан тайёрланган маҳсулотларни кўриб эмас, балки бу нарсаларнинг барчасини шу туркияликлар бунёд этиб, ишлаб чиқараётганликларидан лол қолдилар.

Улар икки ой давомида шу ерда терини дастлабки қайта ишлашдан тортиб, то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаргунга қадар-жараённи пухта ўргандилар. Улар Туркиядан қайтганларидан сўнг таассуротларини сўрадик.

— Туркияга бориб биз истиқлолимизгача меҳнат қилганмиз-у, самарасиз меҳнат қилганимизни, яшаганмиз-у, ёмон яшаганлигимизни, шундай бой ва ҳар жиҳатдан тўкис юртда истиқомат қилиб, биримиз икки бўлмаганлигини англадик, — деди А. Абдуолимов, — у ёқда ҳамма нарсанинг эгаси бор, яъни хусусийлашган, ҳеч кимни биров ишла деб мажбурламайди, аксинча, одамлар ихтиёрий равишда ишлайдилар. Бунинг асосий сабаби ишчилар ўз ишларидан катта манфаатдор эканликларидадир. Икки ой давомида бирор марта ташмачиликни кузатмадик. У ёқда ишчилар ўғирлик қилишмас экан, ҳаттоки беш ёки ўн дақиқа танаффусга ҳам чиқмасдан меҳнат қилишаркан. Ҳар бир дақиқа ҳисобли, шунга қараб маош белгиланади. Бир жойнинг ўзида 250 дан ортиқ тери ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналар жойлашган. Тери саройининг дўконларида хоҳлаган рангдаги, исталган ўлчовдаги ва сизга мос узунликдаги пўстинларни харид қилишингиз мумкин. 1 та пўстин 350 доллардан минг долларгача нархланган. Бу ерда эрта тонгданоқ, дунёнинг турли бурчакларидан келган катта-катта савдо тармоқларининг вакиллари тери маҳсулотларини кўтарасига олиб кетиш учун навбат кутадилар.

Бутун оламни ром этган ана шундай ишлаб чиқаришлар мамлакатимизга ҳам кириб келаётир. Бу тўрт ўғлон бежиз хорижга бориб янги технологияларни ўрганиб қайтишмади. Уларни «Деҳқончилик саноат энергия» корхонаси раҳбари Насим Шодиев, туман ҳокими Чўли Норбўтаев ташаббуси билан барпо этилаётган терини қайта ишлаш корхонасига, мутахассис зарурлигидан юборишганди.

Зиёвуддин қўрғонининг тоғларга туташ жануб томонида бир вақтлар молларни бўрдоқига боқиш маскани қурилган, ана шу ерда айни чоғда кўплаб бинолар бекор қолган эди. Шу биноларнинг бирига Туркиядан терини ошлаш ва қайта ишлаш ускуналари келтирилиб, ўрнатилди. 15 дона чет эл тери хом ашёсининг тикув машиналари эса, яна бир бошқа бинога жойлаштирилди. Соф теридан тикилган кийим-кечаклар ва пойафзалларнинг тақчиллиги юз берган бугунги кунда ушбу корхона нафақат туман аҳлини, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари аҳолисини ҳам шундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга мўлжаллангандир. Бу ерда пўстинлар учун йилига 70 минг дона қўй териси ва оёқ кийимлар учун 30 минг дона қора мол терисини тайёрлаш мумкин. Шунингдек, 200 га яқин қўшимча ишчи ўринлари ҳам очилади.

Айниқса, мамлакатимиз Президенти тери хом ашёларини республикамиздан четга чиқаришни таъқиқлаш ҳақидаги фармонидан сўнг, бу корхонада жиҳозлаш ишлари тезлашди. Зеро, ҳисобларга кўра, Пахтачи туманининг ўзида 70 мингта қора мол мавжуд. Шу пайттача сўйилган ва териси қуритилганлари эса қанчадан-қанча... Кўп одамлар бу териларни арзон гаровга бериб юборишади. Ҳолбуки, иккита теридан битта яхши пўстин чиқади. Агар унинг нархи 500 доллар бўлса, хом терини сотишдан тушган 20—30 сўм орасида қанча фарқ борлигини ҳисоблаб олаверинг. Хуллас калом, мамлакатимизда хом ашё базасидан ишлаб чиқариш сари эътибор қаратилаётганлиги туфайли, яқин келажакда Олмония, Италия ва бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиш имкониятлари бор экан.

**Тўлқин ЁРҚУЛОВ,**
**«Туркистон»нинг мухбири**

### ХОТИРА БОҒИ

Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими фаоллари «Хотира боғи» барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Ташаббус вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланди ва «Тошкент — Олмалиқ» автомобиль йўли бўйи — Оҳангарон тумани «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидан ўн гектар ер майдони ажратилди. Ташаббусни биринчилардан бўлиб вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қўллаб-қувватлади. Қўмита мазкур ишга ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Фарғона томонларда*

## «БИЗДА ҲАР КУНИ БОЗОР!»

Бағдод тумани ҳокимлиги халқнинг қадимий бозорларини қайта тиклаш ва шу орқали аҳолининг мушкулини осон қилиш бўйича кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келаяпти. Ўтган қисқа фурсат ичида номаълум сабабларга кўра ёпиб ташланган Дўрмонча қишлоғидаги «Сешанба бозор»и, Ултармада «Жума бозор»и, Қоровултепа қишлоғида «Шанба бозор»и тикланди. Яқинда эса туман марказида «Чоршанба бозор» очилди. Туманнинг минглаб аҳолиси ортиқча югур-югурлардан қутулган бўлса, катта қишлоқларда фаолият кўрсатаётган бозорлар ҳисобидан маҳаллий бюджет тузуккина фойда ҳам кўряпти.

«Чиллаки чиллакини кўрса, чумак уради» дейишарди. Рост экан. Бағдодликларнинг ташаббусини қўшни Риштон туманидагилар ҳам дарров ўзлаштиришга тушдилар. Риштон тумани ҳокимлиги тумандаги ягона Марказий деҳқон бозори маъмурияти ва Салоҳиддин Ражапов номли жамоа хўжалиги бошқарувига Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги бозор очишга рухсат берди. Шундай қилиб Бужай қишлоғида «Пайшанба бозори» иш бошлади...

«Отанг бозор-онанг бозор». Бозорлар кўп бўлса, мол сероб бўлади, мол сероблиги-тўкинчиликдан далолат. Айни кунларда Бағдод ва Риштон туманларида ишлаб турган саккизта бозорнинг ҳаммаси деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари, ҳунармандлару тижоратчиларнинг моллари билан тўла. Йўлингиз тушиб қолса, «Сешанба», «Чоршанба», «Пайшанба», «Жума» бозорларига бир бош суқиб ўтинг. Кетказган вақтингизга ачинмайсиз!

Ана шунақа! Бизда ҳар куни бозор! (Душанба бозори йўқми дейсизми? Ҳозирча душанба — ДАМ ОЛИШ КУНИ).

### ҚАНДИНГНИ УР, ТАДБИРКОР!

Вилоятда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш соҳасида катта амалий ишлар қиляпти.

Бувайдалик ишбилармонлар яқин-яқинларгача Қўқону марғилонлик дўстларига ҳавас қилиб юришарди. «Қачон бизлар ҳам уларга ўхшаб иш юритарканмиз?» — деб.

Ҳозир бувайдаликларнинг ҳам отлари илдамлаб кетган. Ҳатто, айрим ишбилармонлари унча-мунча «профессионал»лардан ўтади, очиғи. Туман марказида маиший хизмат кўрсатиш уйини Мухторжон Норқўзиевнинг «Наргис» кўп тармоқли хусусий фирмаси сотиб олган эди. «Наргис»чилар ишни «нул»дан бошладилар. Бинони қайта таъмирлашди, тўла жиҳозлашди. Ҳозир аҳолига ўндан ортиқ турда хизмат кўрсатаётган фирмада бир юз тўқсон нафар йигит-қизлар меҳнат қиляптилар. Кам фойда келтираётган ресторан биноси ҳам яқинда тўлиғича Мухторжонга ўтди.

### МЎМИННИНГ ТЕГИРМОНИ

Бувайдада Абдумўмин деган тадбиркорни танимаган одамнинг ўзи йўқ. Абдумўмининнинг ҳозир «Мўмин» деган хусусий корхонаси ишлаб турибди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, «Мўмин» воситачилик, олиб-сотарликдан тамомила воз кечган. Бу ердаги битта тегирмоннинг ўзи 23 нафар ишчини бемалол боқиб келяпти.

«Мўмин»нинг тегирмони унча-мунча хашаки тегирмонча эмас. У бир кечаю кундузда оз эмас, кўп эмас, нақ 20 тонна донни янчиб бера олади. Бундай қудратли ва хусусий тегирмон ҳозирча Фарғонада биттагина!

### ҒОЛИБГА БЎРИ БЕРИЛДИ

Фарғонада айни чилла кунлари деҳқонларнинг «Ҳосил байрами»ни ўтказиш одат тусига кириб қолган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Январнинг ўрталаридан бошлаб ҳар бир туманда навбати билан ана шундай байрамлар ўтказиб келиняпти. Йил-бошидан байрам билан бошланса, яхшида!

Бунақа байрамларда етиштирилган ҳосил кўргазмалари, савдо хизмати, маданий ва кўнгил очар тадбирлар ўз-ўзидан бўлади, албатта. Лекин кўпчилик байрамга халқнинг азалий ўйини — улоқни деб келади. Ҳозир вилоятда давом этаётган улоқ ўйинларида маманан деган моҳир улоқчилар, қўшни Қирғизистон ва Тожикистондан ташриф буюришган таниқли чавандозлар иштирок этишяпти. Улоқ — бу мардларнинг кураши. Ҳаммаям учқур отнинг эгарига ўрнашавермайди. «Ҳосил байрам»ларининг таъсисчилари ғолиб улоқчиларни муносиб тақдирлаш учун арзигулик совринларни ҳам ҳозирлаб қўйишган экан. Биргина мисол:

Бағдодда ўтказилган улоқда туман ҳокимлиги энг жасур чавандозга ҳақиқий бургутни соврин қилиб топширди. Қўшни Қирғизистоннинг «Бурганди» хўжалигида эса, худди шундай чавандозга тирик она бўри совға қилинди. Байрамлардаги муҳитни кузатиб, шундай хулосага келиш мумкинки, чавандоз бўламан деганларнинг сони ҳаддан ташқари ортиб кетибди.

### УЧ МИЛЛИОН СЎМЛИК... ЧОЙХОНА

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси, республика «Ким ошди» кўчмас мулк биржаси ҳамкорликда Фарғонада бир қатор савдоларни ўтказиб келмоқда. Ана шундай «Ким ошди» савдосидан бири яқинда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтади. Биз бундан сал илгарироқ «Туркистон»нинг муштарийларига ўн саккиз миллион сўмга сотилган меҳмонхона ҳақида хабар берган эдик. Агар ёдингизда бўлса, ўша меҳмонхонанинг дастлабки баҳоси 400 минг эди.

Йигирма бешинчи январда бўлиб ўтадиган савдога ҳам каттагина иншоотлар қўйилган. Уларнинг орасида сўлим Аввал қишлоғига жойлашган «Еттибулоқ» деб аталувчи чойхона ҳам бор. Чойхонанинг дастлабки баҳоси салкам уч миллион сўм, аниқроғи икки миллион саккиз юз минг сўм!

Қойил, агар унинг бошланғич баҳоси шу-у-унча бўладиган бўлса, сотилиш баҳоси қанчага чиқар экан-а?

Нима бўлгандаям уч миллион сўмлик чойхона ўзининг ҳақиқий эгасини кутяпти.

**Рустам БОЙ МУҲАММАД,**
**«Туркистон»нинг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири.**

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Минск гуруҳи раисдоши, швециялик Андерс Бьюрнер Бокуда Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашди. Учрашув чоғида А. Бьюрнер Тоғли Қорабоғда тинчликнинг сақланиб туриши Арманистон ва Озарбойжон ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш учун қулай шароит яратмоқда, деди. Ўз навбатида, Озарбойжон томони Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

* * *

Иордания билан Фаластин ўртасида бўлиб ўтган икки кунлик музокаралардан сўнг ўзаро ҳамкорлик бўйича 7 та ҳужжат имзоланди. Ҳужжатларни фаластин миллий маъмурияти раиси Ёсир Арафот ва Иордания Бош вазири Зайд Бин Шакер имзоладилар. Ҳужжатларда маориф, маданият, ахборот, банк ишлари, савдо-сотиқ, транспорт ва алоқа соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

### БУ КЎҲНА ДУНЁ

Халқаро валюта жамғармаси вакили Комбоджа иқтисодиёти сезиларли даражада ўсаётганини айтди. Унинг Комбоджа иқтисодиёти ва молиявий аҳволига бағишланган маърузасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1994 йилда 5 фоиз ўсган бўлса бу йил ушбу кўрсаткич 7 фоизни ташкил этар экан. Пул қадрсизланишининг ўсиши эса 20 фоиздан 10 фоизга тушар экан.

* * *

Россия Федерацияси чегарачилари Тожикистон — Афғонистон чегараси яқинида кўп миқдорда гиёҳванд моддалар, қурол-аслаҳа ва хорижда ишлаб чиқарилган портлатиш воситаларини топиб олдилар. Чегарачиларнинг хабар беришича, ушбу хавфли моллар чегарабузарлар томонидан яшириб қўйилган. Айни пайтда, чегарабузарларни қўлга олиш чоралари кўрилмоқда.

* * *

Дунёдаги энг саводсиз шаҳар Бразилиядаги Симойнс шаҳри экан. Текширишлар шуни кўрсатдики, Симойнс шаҳрида 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 75 фоизи ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. 2000 йилга келиб Бразилияда 18 га тўлмаганлар ичида саводсизлар 25 миллион кишини ташкил қилар экан.

(ЎзА)

# Ислоҳотлар йўлида

## «ЎРИКЗОР» БОЛАЛАРИ

«Ўрикзор» болалари учун яна бир қулайлик яратилди. Энди уларнинг 2 қаватдан иборат бўлган муҳташам, шинам боғчалари бор. Илгари ҳам пойтахтнинг «Ўрикзор» даҳасида 2 та болалар боғчаси бор эди. Бу энди учинчиси.

Куни кеча ана шу янги — 207-болалар боғчасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кичкинтойлар ота-оналари ва ака-опалари, қариндошлари билан бирга тантанага йиғилишди. Куй-қўшиқ, рақслар, кўнгил тубидан чиққан самимий тилаклар даврага файз киритди. Тошкент шаҳар ҳокимияти, Акмал Икромов тумани ҳокимияти, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларидан ташриф буюрган вакиллар кичкинтойларга ажойиб «совға» — янги боғчанинг калитини ҳадя этишди.

Пойтахтдаги 159-қурилиш бошқармасининг қўли гул қурувчилари бунёд этган болалар боғчасида барча қулайликлар муҳайё этилган. Унда спорт залларидан тортиб, мусиқа хоналаригача мавжуд.



— Шодлигимизнинг чеки йўқ, — дейди 207-болалар боғчаси мудираси Феруза Шоисломова. — Кичкинтойларнинг бу тарбия маскани уларнинг келажакда баркамол, мукаммал бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади. Биз эса болаларимизнинг соғлом, теран фикрли, миллий урф-одатларини қадрлайдиган бўлиб вояга етишларида қўлимиздан келган барча имкониятларни ишга соламиз.

Фарзанди — дилбандининг келажагидан кўнгли тўқ бўлган ота-оналарнинг бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Шодлик, қувонч бор жойдан эса зафарлар аримайди.



*СУРАТЛАРДА: 207-болалар боғчаси мудираси Феруза Шоисломова (ўртада) тарбиячилар Наима Ғуломова ва Нилуфар Алимовалар билан; боғча тарбияланувчилари машғулот пайтида.*

**Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.**

# ВАТАН МЕҲРИ

*Уйғоқ сўз*

Эй, менинг шон-шавкатли буюк ватаним Ўзбекистон!

Сенингдек жаннатмакон, дастурхони тўкин-сочин диёр борми? Сеникидек булоқлари зилол, сувлари шаффоф, ноз-неъматларга кон ўлка борми?

Ўзбегимдек очиқ кўнгил, меҳмоннавоз халқ, иродали, толмас билакли заҳматкаш инсонлар қайси бир юртда бор? Тадбиркор, саркардалиги билан бутун ер куррасини ларзага келтирган жаҳонгир Амир Темурдек баҳодир паҳлавонлари бор, буюк таълимоти билан олам аҳлини маҳлиё этган Имом Ал-Бухорийдек донишманди бўлган, тиббиёт, табиблик оламининг пири Абу Али Ибн Синодек ўғлони бор юрт қайда? Сўз мулки оламининг султони Мир Алишер Навоийдек зукко шоири,юлдузлар оламининг сирдоши Мирзо Улуғбекдек мунажжим ўтган юрт қайда?

Эй, менинг жонажон она юртим Ўзбекистоним! Илм, маърифат,донишмандлик борасида дунёга танилиб, шоншуҳратга бурканган намояндалар Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳаким Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Бобур каби буюк алломаларингни мақтайми? Ёким асл фарзандларинг Машрабу Фурқат, Қодирий-у Фитратларингни таъриф этайми? Зебинисою Нодирабегимларингни олқишлайми? Ў-ҳў, бундай ўғлонларинг, қизларинг беҳисоб-ку! Улар шаънига қанчадан-қанча таърифу тавсифлар айтилса озлик қилади.

Ўзбегим қалби нурли истиқлол қувончидан ҳаяжонга тўлди, Ҳуррият зиёсидан баҳра олди. Ўзбегимнинг қалби бугунги кунда азиз Ватанига меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари билан тўлиб тошмоқда. Уларнинг вужудлари, нигоҳларини эндиликда ўзгача завқ-шавқ, ўзгача севинч чулғаб олган. Бундай лаҳзалар уларга абадул-абад насиб этиб тургай!

Азиз жонлар фидо қилинган ғалаёнларни, не-не вайроналикларни келтирган инқилоб давридаги қаро, мотамсаро кезларни, куйиб жизғанак бўлган кулбаларни,шўролар даври қатағонида шафқатсизларча қийноққа солинган бегуноҳ жигарбандларини унута олармикан халқимиз?

Фашизм деган даҳшатли вабога қарши жон-жаҳди билан курашиб, шу қирғинли жангу жадалда жон фидо қилган фарзандларини унута олармикан Ватандошларим?

Миллатим осмонида чин
ўғлони эдим мен,
Ташвиш тушса бошига
қалқон эди юрагим.
Элимнинг хизматида
камарбаста эдим мен,
Бил, асл фарзанд — ўғлингман,
унутма жон Ўзбегим!

Шундай асл, севимли ўғлонларини унута оладими ўзбек халқи. Ҳеч қачон! Уларнинг номлари, мерос қолдирган асарлари авлодлар қўлида ҳамиша эъзозда, ардоқда бўлади.

Эй, менинг ардоқли Ватаним!

Эшит, тингла! Қатағонлик йиллари бағрингдан қувғин бўлган не-не асл фарзандларинг сени қўмсаб,латофатингни кўришга муштоқ, меҳрингдан туйишга, мусаффо ҳавонгдан қониб-қониб сипқоришга, нафас олишга зор-зор, орзуманд ҳолда бу бебаҳо дунёдан армонда кетдилар.Бундай айрилиқ, ҳижронларни унута олармикан ўзбегим!

Истиқлол туфайли хориждан севимли бағрингга қайтган бир ватандошим самолёт қўниб, эшиги очилиши биланоқ ўзини бағрингга отди. Анча пайт муқаддас заминингни ўпиб,оҳиста сийпалаб турди, тупроғинг гардларини кўзларига бот-бот сурди.Ундаги Ватан туйғуси кучлилигидан бутун вужуди ҳаяжон қамровида, ларзада, беқиёс шодланганидан севинч ёшларини тиёлмас, елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди. Бу она Ватанига бўлган чинакам ташналик, соғинч, севинч йиғиси эди. Ниҳоят унинг тили калимага кўчди:

«— Эй, менинг муқаддас Ватаним!

Айриликда юрган рўпарангдаги бул фарзандинг билан сен ҳамиша бирга эдинг. Вужудимда ҳам,ўнгу сўлимда ҳам сен менга ҳар кун, ҳар он мададкор, ҳамдам, ҳамнафас эдинг. Оташ меҳринг руҳи этимга тамомила ўрнашиб олган эди.Умрим, мусофирликда кечган кезларим сен менинг кучу ғайратим, қайғую ғамим, орзую истакларим, ҳаёт-мамотим эдинг. Илиқ бағрингга тўш ургачгина, оз бўлсада қўмсоғим босилди, кўнглим хийла таскин,ором топди.

Менинг жондан азиз она юртим! Сенинг меҳри-муҳаббатингга ҳеч бир нарсани тенглаштириб, қиёслаб бўлмагай. Чунки, бу меҳр-муҳаббатинг жону қонимга, бутун вужудимга, жамики томирларимга сингиб кетган. Ундан сал бўлсада йироқлашсам соғинтирасан, қўмсатиб, меҳрингга ташна этасан, хаёлан бағрингда бўлсам завқ-шавққа чулғаб руҳлантирасан, куч-ғайратимни жўштириб,эзгулик, бунёдкорлик сари ундайсан,

Ҳа, она Ватаним! Сенинг меҳринг мен учун ана шундай муқаддас, оҳанграбо, қудратли куч эди ва бир умр шундай бўлиб қолажак!...»

Олтиндек жилоланган қуёшингга термулган табассумли чеҳраларга боқиб чексиз фахрланаман. Улар сендаги истиқлол нуридан, шууридан чексиз баҳрамандликларидан шоду хандон, гулгун юзларида осойишталик ва фароғат барқ урмоқда.

Ҳа, ҳуррият ўзбегим юрагини иситмоқда, ором, илҳом бахш этмоқда.

Эй, менинг ҳур Ўзбекистоним!

Сенга фарзандинг тилаги шу: серфайз мусаффо бўлсин ҳар кунги тонгинг! Нурга чулғансин ҳар бир онинг! Музаффарли бўлсин сендаги ҳар кунги жўшқин ҳаёт!

Кундан кунга кўркингга-кўрк, шаънингга олқиш қўшилаверсин, эй, менинг суюкли Ватаним! Кундан-кунга гуллаб, яшнаб, оламга юз очавер, ардоқли Ўзбекистоним!

**Саид РАВШАН,**
**ёзувчи**

*Бу кўҳна олам ғаройиботларга тўла*

### ХАЛҚЛАР ҲАҚОРАТЛАНДИМИ ЁКИ?..

Шу йилнинг 11 январь куни берилган «Останкино»нинг «Монолог» телекурсатуви ёдингиздами? Унда сўз олган депутат А. Е. Гербер яқин ўтмишга муносабат билдириб, биз умуман фашистик тузумда яшадик, деди.

Кескин бу фикр айрим депутатларда норозилик туғдирди, халқларни ҳақоратлаш деб қабул қилинди, шу боис 25 январь куни бўлиб ўтган Давлат Думаси йиғинига А. Е. Гербер халқлардан кечирим сўраши масаласини кун тартибига киритиш таклиф этилди. Аммо...

«Рабочая трибуна» газетасида депутат А. Доровских ёзишича, аксарият номдор депутатлар А. Гербер нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашди ва масала кун тартибига киритилмай қолиб кетди.

### СОЯ УЧУН СОЛИҚ...

«Республика» газетасида мутойибали шарх чиқди. Унда кўчадаги чироқ йўлакка соя ташлаб турибди. Назоратчи эса «Чироқнинг сояси учун ким солиқ тўлайди?» деб бош чангаллаган.

Сиз буни ҳазил деб ўйлаяпсизми?

Йўқ, бу мутойиба замирида бўлак бир гап бор. 1993 йилнинг ноябридан бошлаб Венецияда соя учун солиқ жорий этилди. Унга биноан ресторан, дўкон ва устахоналар пештоқидан кўчага тушаётган соя учун ҳам... солиқ тўлаш лозим.

### ИНСОН ҲАР НЕГА ҚОДИР

Ер юзидаги тараққий топган мамлакатлардан бири бўлмиш Япония олимлари келгуси йиллар вазифасини анча аниқ режалаштириб олишди. «Япония бугун» журнали ҳикоя қилишича, улар 1998 йилда шовқинсиз, аммо соатига 300 километр тезликда, энг муҳими, ҳозирги темир йўлда ҳаракат қиладиган поездларни йўловчилар хизматига топширишади.

2007 йилга бориб, аксарият хонадонлар электр қувватини қуёш батареясидан олишади. Ва худди ана шу йили соатига 500 километр тезликда юрадиган поездлар ҳаракати йўлга қўйилади.

2010 йилда эса мамлакат электр қувватларининг тенг ярми қуёш батареяларидан олиниши кўзда тутилган.

Албатта, бу ҳозирча хаёл. Аммо амалга ошиши ҳам ҳеч гап эмас. Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик бўлса бас.

*Келинг, бир кулишайлик*

### БАЛИҚ УНУТИБ ЮБОРГАН

— Қизиқ-а? Аёллар турмушга чиққан кунини сира унутишмайди, эркаклар эса... хаёлига ҳам келтиришмайди буни?

— Табиий. Мана, сен балиқ овлайсан, энг катта балиқ дастлаб қачон қармоғингга илинган? Ёдингдами шу?

— Бўлмасам-чи?

— Балиқ-чи? Балиқ буни аллақачон унутиб юборган бўлса керак-а?

### НЕГА ДЕЙСИЗМИ?

— Бу қандай гап? Итингиз кечаси билан аккиллаб чиқади. Кечаси билан-а!

— Бунинг нимасига ташвишланаяпсиз? Ахир у кун бўйи ухлаб олади-ку .

### ЎЗИНИ МОШИН ЧОҒЛАЯПТИ-ДА

— Отингга ем бергансанми ўзи? Аравани торта олмай оёқлари тойиб кетаяпти-ю!

— Э-э, сен билмас экансан уни. Мияси айниб қолган. Ўзини мошин чоғлаяпти.

*Мана шунақа гаплар*

### ОТАСИ НОРОЗИ БЎЛСА ҲАМ...

Америкода бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида энг яхши ўйинчи деб топилган Ромарио энди «Фламенго» жамоасида ўйнайди ва унинг орзуси ҳам энг кучли жамоада тўп суриш эди. Аммо бу унинг отасига маъқул тушмай турибди. «Америка» клубида ўйнаса бошқа гап эди, дейди у. Аммо машҳур футболчи ўз билганидан қолмаяпти...

### ЯНА БИР МЕМУАР

Америконинг аввалги биринчи хоними — собиқ Президент Бушнинг рафиқаси Барбара Буш ўша йиллар ёди муҳрланган мемуарини ёзиб, нашр эттирди.

Муваффақият қозонган бу китоб асосида Голливуд фильм яратмоқчи.

### ЭВМ НОСТРАДАМУСГА ҚАРШИ

Нострадамус башоратлари билган кишиларни ҳамиша ҳайратлантириб келар эди, яқинда АҚШнинг миллий академиясида бир гуруҳ олимлар кароматгўй асарини ЭВМ тадқиқидан ўтказди ва шеърий сатрлардаги ишоратлар билан содир бўлаётган воқеалар ўртасида узвий боғлиқлик йўқ, деган хулосага келишди.



*Турмуш чорраҳаларида*

# СИЗ БУГУН ҚАЙНОНА БЎЛДИНГИЗ

· *Кечаги кунингизни унутманг*
· *Оналар балони даф этар*
· *Келин — наслингизни давом эттирувчидир*

ҲАР БИР инсон учун ҳаётда энг азиз, мўътабар ва гўзал инсон бу Онадир. Она дегани Аёл демакдир. Биз билган, эъзозлаган муҳтарама зотлар ҳаммаси бир кун келиб Қайнона бўладилар. Қайнона ҳам онадир. Меҳрибон аёллар, азиз оналар, сиз ҳам ўз ёшлигингизни, қайнонангиз қўлида қандай келин бўлганингизни бир эсланг. Балким мизки, бугунги ёшлар — бизнинг бугунги кунимиздир. Баъзида уларга қараб ҳавасим келади, уларга ўхшагим келади.

Кеча ўйнаб-кулиб юрган қиз бугун ўзга хонадонга келин бўлиб тушди. Аввалига у ўз уйини, ота-онасини соғинади. Янги шароитга мослашгунча қийналади, шунда сиз унга, албатта, кўмак беришингиз, уни худди ўз қизингиз сингари бағрингизга босишингиз лозим.

Жамиятимизда рўй бериб турган ажралишлар ва оилавий гизга дарз кетмоқда, огоҳ бўлинг. Ёки қайнонам ундоқ деди, қайнонам бундоқ деди деб, гап етакламанг. Онангизнинг дили оғрийди. Қизининг ўша ерда тиниб-тинчиб кетиши онанинг бахти, фарзандининг камолини кўриш эса унинг иқболидир. Ҳеч қайси бир она ёки қайнона фарзандим бахтсиз бўлсин деб дабдаба билан тўй қилмайди. Балки бахтли, тожу тахтли бўлсин деган ниятда оқ фотиҳа берадилар. Демак, янги уйга келин бўлиб тушган ҳар бир қиз қайнонасини ўз онасидек кўрса, унга очиқ чеҳра билан пешвоз чиқсагина улар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва ҳурмат тобора кучайиб бораверади.






қайнонангиз билан худди онaболадек бўлгандирсиз, уларнинг бағриларига ошиққандирсиз, эҳтимол болангизни ишга шошиб турган вақтингизда ўз бағрида олиб қолиб жонингизга оро киргандир. Қалбингиздан кечаётган дардларингизни турмуш ўртоғингизга айтолмай турганингизда сизнинг дардингизга малҳам бўлгандир. Оналарнинг байрамида сизга ҳам она ўрнида бўлиб, рўмол ҳадя қилгандир, «болам-болам»лаб бағрига олгандир. Ўз ўрнида сиз ҳам уларнинг ҳурматини жойига қўйгандирсиз...

Мана, бугун эса энди ўзингиз қайнона бўлдингиз. Ишни нимадан бошлашни билмасангиз, дарров ўз келинлигингизни эсланг. Ана шунда ҳаммаси яхши бўлиб кетади, меҳрибон қайноналар. Билакелишмовчиликлар киши кўнглини хира қилади. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Келинларимиз қайноналаридан кўра ўз оналарини яхши кўрадилар. Уларга меҳрини зиёда қиладилар. Аслида қайнона ҳам она эканлигини биз юқорида таъкидлаб ўтганимиз бежиз эмас, албатта. Қайнона ҳам кимнингдир онаси эканлигини, қизни ҳам, ўғилни ҳам она дунёга келтиришини хаёлига келтирмайдиганлар ҳам орамизда учраб турибди. Келинлик бу янги кўйлак кийиш деб ўйлайдиганлар том маънода адашадилар. Келинлик бу янги мустақил ҳаёт, янги оила демакдир. «Гўзаллик тўйда керак...» деганларидек кунда турмуш ўртоғингизга уни олиб беринг, буни олиб беринг деб ҳархаша қилаверадиган эркатой қизларим, кўзингизни очинг, оилан-

Яқинда ойнаи жаҳон орқали бир қўшиқ эшитиб, дилим анча ранжиди. Унинг сўзлари тахминан шундай эди:

«Кўзлари ола, тишлари сўйлоқ қайнона,
Ўғлинг кабоб келтирди, сенсиз едик қайнона...»

БУ ҚЎШИҚ бошқа тилдан таржима қилинган қўшиқ экан. Менимча, бу қўшиқни таржима қилишнинг ҳеч зарурати йўқ эди. Нима, бу билан хонанда биз-қайноналарни танқид остига оляптими? Қўшиқдан хулоса қиладиган бўлсак, фарзандни сен катта қилгансан, мен бугун келиб болангга эгалик қиляпман, бу сенга ёқмаяпти, деган маъно келиб чиқади. Негаки ҳаётда шундай эмас, шунинг учун ҳам бу ашулани эшитган ҳар бир қайнонанинг аччиғи келади-да. Чунки ҳаётда 38-40 ёшларида қайнона бўлаётган оналар ҳам бор. Уларга яхшилаб назар соладиган бўлсак, олган келинларидан ҳам ёш ва гўзалроқ кўринади. Қандай қилиб бундай қайноналарни «тиши сўйлоқ қайнона» дея масхара қилиш мумкин?

Қайнона келин ўртасидаги камчиликлардан бири шундаки, ёшларимизнинг кўпчилиги жуда дангаса бўлиб кетишган. Иш қилгин деса, ёқмайди, кейин ким ёмон, яна бечора қайнона. Агар келинингиз ўзи саранжом-саришта бўлиб, ўз вақтида уй ишларини жойлаб қўйса, ҳеч қайси қайнона ўз-ўзидан уйда уруш-жанжал кўтармаса керак, деб ўйлайман. Келин меҳнатсевар, хушмуомала, ёқтимтой бўлса, ички дунёси гўзал бўлса, қайноналар бундай келинлари борлигидан фахрланадилар. Яна қайтараман, ҳурматли келинлар, қайнона ҳам онадир, агар қизлар 17-20 ёшгача уйда рўзғор ишларини ўрганса, қолганларини қайнона ёрдамида ўрганиб оладилар.

Оилада тинч-тотувлик бўлиши учун, яна маҳаллада намунали оила бўлиш учун аваламбор қайнона ҳам, келин ҳам ҳақиқий инсон бўлиб камол топган бўлиши керак. Ана шундай оилалар давлатнинг таянчи, посбони, пойдевори бўлиши мумкин.

Азиз аёллар, қайнона бўлган оналар, келин бўлган чоғларингизни унутманг, уйингизга қиз бўлиб келган келинларга мурувватли бўлинглар. Меҳрингизни улардан дариғ тутманг. Асосийси, ҳақиқий она бўлинглар! Бутун инсоний яхшиликларингизни, қизингиз билмаганларини билдириб, уларга ўргатинглар, тарбияланглар. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришасиз.

Келин бўлиб тушган ва келинчаклик остонасида турган қизларим! Қайноналарингизни ўз онангиздек кўринглар, шуни унутманглаpки, қайнона ҳам — Она. Уни асрамоқ, авайламоқ, тириклигида қадрига етмоқ ва умрининг охиригача унинг хизматида бўлмоғингиз лозим. Оилам тинч ва тотув бўлсин десангиз, бизқарияларнинг насиҳатларига амал қилинг, кам бўлмайсиз.

Раҳима ЖЎРАБОЕВА,
ТошДУ доценти.

*Қизлар дафтаридан*



Фарида ҚОРАҚУЛОВА

# СОЧЛАРИ СУНБУЛ-СУНБУЛ...

## АФСОНАВИЙ ҚЎШИҚ

*Тун. Сукунат. Намозшом гуллар*
*Аро маъюс ортига қараб —*
*Оқ кўйлакли бир сулув келар*
*Йўл-йўлакай сочларин тараб.*
*Қиз пойида бахтиёр, сармаст*
*Мажнун шамол эсар сарсари.*
*Қадамига сочилар бир-бир*
*Тўлин ойнинг садаф нурлари.*
*Қора кўзлар чақноғу чанқоқ:*
*— Менинг исмим саодат дерлар.*
*Оқ кўйлакнинг этакларидан*
*Тўкилади жимиллаб шеърлар:*
*«Руҳим менинг интилар кўкка*
*Тоғлар ошиб, адир, қир ошиб.*
*Энди унут, мени, севгилим,*
*Мен кетурман унга эргашиб.*
*Инондим мен айтган сўзингга,*
*Ва умидвор йўлга тутдим кўз.*
*Садоқатим муҳлати сенга —*
*Қирқ кеча ҳам бўлди қирқ кундуз,*
*Бу оламни унутай тамом*
*Ихтиёрим ол, дедим, жоним.*
*Кўнглим менинг мисли учар қуш*
*Уни тутиб қол, дедим, жоним.*
*Афсус, сенда етмади журъат*
*Учиб кетди тоғу, қир ошиб.*
*— Хайр, хуш қол, севгилим, унга*
*Кетгум бу кун мен ҳам эргашиб»*

## СУНБУЛАНИНГ ГУЛЛАРИ

*Сунбуланинг гуллари*
*Сўлғин ўтар кунлари.*
*Гул баргига тўкилар*
*Соғинч тўла тунлари.*
*Турналар учиб кетди*
*Бир айланиб боғларни.*
*Хазонларга кўмдилар*
*Кўклам отли чоғларни.*
*Кўкламда сочларига*
*Толбаргак таққан қизлар*
*Ёзнинг сўлим оқшоми*
*Боғларни ўйчан кезар.*
*Ўйчан-ўйчан кўзларнинг*
*Ёлқинида сирлар кўп.*
*Сунбулада олмалар*
*Етилади хўб.*
*Сунбуланинг сойида*
*Олма қалқиб оқади.*
*Сув бўйида йигитлар*
*Суқланишиб боқади.*
*Ёвшон исин таратган*
*Ғарамлар ҳам гул асли.*
*Олтин рангда товланган*
*Куз тўкинлик, тўй фасли.*
*Юракларни титратиб*
*Янграр сурнай садоси.*
*Юзлари заъфарон гул,*
*Айтинг, кимнинг адоси.*
*Олисларда сўлғин гул*
*Сочлари сунбул-сунбул.*
*«Ёр-ёр» айтиб йиғлайди*
*Ўланга ташна кўнгил.*
*Оқ кўйлагинг ярашгай*
*Бўйларингга, ёр-ёр,*
*Дугона, ўлан айтай*
*Тўйларингда ёр-ёр...*

**Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.**
(Ҳадиси шарифдан).

*Ҳаёт гўзаллиги аёл биландир*

Яқинда қўлимга бир мактубни беришди. Унда «Хоразм ҳақиқати», «Қизлар клуби»га. Хива. Меҳрибон Қобуловадан, деб ёзиб қўйилган эди. Ажабо, газетада «Қизлар клуби» эшитади» сим орқали мулоқотларининг берилмай қўйилганига анча бўлган эдику. Газета ҳафтада икки марта гоҳ кичик, баъзан катта ҳажмда чиқиши боисидан мулоқотлар ўтказилмай қўйилган бўлса-да, бу хатни кўриб, ҳам ҳайратландим, ҳам ҳурсанд бўлдим. Ва хатни ўқишга шошилдим.

«Биламан, хатни кўриб ҳайрон бўлдингиз. Қўнғироқ қилиб сизни тополмадим. Хатим ўзингизга етиб борса-бормаса, кўнглимдагиларни қоғозга туширишга қарор қилдим.

Турмушда шундай бўлади. Эри хиёнат қилса кечирадилар, аёл бевафолик этса оила барбод бўлади. Яқинда қўшним Ш.нинг ҳаётида шунга ўхшаган воқеа юз берди. Очиғи, гулдек оила бузилди. Нене орзу-умидлар билан эр-хотин бир ёстиққа бош қўйишганди. Ачинарлиси шуки, тўрт нафар бир-биридан ширин болалар қон йиғлаб қолишди. Катта икки ўғил отага, кичкинтойлари хотинига берилди. Қаранг, болалар ҳам бир-биридан айро қилиндилар.

Аслида Ш.нинг бу йўлга киришига эри сабабчи. Нега дейсизми? Чунки эри Ш.нинг покиза муҳаббатини паймол қилди. Ёстиқдошининг қадр-қимматини ерга урди. Бегона аёлларни ўз ҳалол хотинидан афзал кўрди. У эса оёқ ости қилинаётганини ҳар куни ҳис этиб, юракдан эзилди.

Аёл ортиқ чидаёлмади. Нега, нега деган савол уни ҳечам тинч қўймади. Қайси гуноҳи учун шу қадар куйиши керак? Қолаверса, ўзини овутадиган, тинчлантирадиган бирон кишининг ширин сўзларига маҳтал эди у. Ана шундай инсонни топди ҳам. Лекин...

Эри уни кечирмади. Ажралиш учун судга борди. Оқибатда ҳамма ҳавас қилгудек оила барбод бўлди.

Аёл барига чидаб, сабр-тоқат билан, яхшини ошириб, ёмонни яшириб яшайвериши мумкин эди, бироқ қалб тош эмаски, ҳеч нарсани ҳис қилмаса, дард чекмаса...»

Мактубни шу ерга келганда тўхтатамиз. Негаки газетхон суҳбат мавзуси нима ҳақда бораётганини чамамда англаб етди.

Аёл аввало она, ораста ва покиза, диёнатли ва иймонли инсон. Аслида кўнглида вафо уруғи қадалган зот жудаям ҳокисор, беназир даражада самимий одам бўлади. Бундай кишилар жамики лаззатлардан ўз эътиқодини, лафзу ҳалолини ўн чандон устун қўядилар. Қабиҳлик, ичиқоралик, фирибгарлик, аёлга батамом ёт нарса.

## БЕВАФОНИ КЕЧИРМАСЛАР...

**(Фақат қизлар ўқисин)**

Тарихдан бизга маълумки, эрига хиёнат қилган хотинни эл-улус ўртасида аёвсиз жазолаганлар.

Хулоса шуки, қадимда ота-боболаримиз, момоларимиз ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қилишган. Эҳтимол, ана шундай шафқатсизларча сазойи қилинишидан қўрққан ёмон хотинлар бу йўсин номаъқулчиликларга қўл уришдан ўзларини тийган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Афсуски, бугун бевафолик ва хиёнат ботқоғига тушган ёмон аёллар учун қаттиқ жазо йўқ ҳисоби.

Яқинда Урганч тиббиёт билим юрти талабаларига «Аёл нечун эрига бевафолик қилади? Бунга сабаб нима?» сингари саволлар билан мурожаат қилдик. Мақсадимиз, қизларнинг бу ҳақдаги фикрини билиш бўлгани учун уларнинг исм-шарифларини сўраб ўтирмадик.

Н. исмли қиз шундай жавоб беради:

«Аёлнинг қудрати эркак билан тенгликда эмас, балки назокат, меҳр-шафқат ва вафодорликда намоён бўлади. Аёл садоқатли ва ҳаёли бўлиши лозим.

Аёл — она! У ўзининг гўзал ҳулқи билан фарзандларига ибрат кўрсатади. Шундай экан, оиланинг мустаҳкам бўлиши аввало онага боғлиқ.

Менинг отам ҳам бир аёл билан танишиб қолди. Натижада уларнинг икки фарзанди бўлди. Отам биз билан яшаса-да, иккинчи оиласидан ҳам тез-тез хабар олиб туради. Онам аввал роса куйиб-пишдилар. Лекин вақт олий ҳакам экан, унутди. Фарзандлари билан овунди. Мана ҳозир онам невaралик бўлган. Очиғи кўнглининг тўлмаган жойларини болалари тўлдирмоқда».

С. Ирода эса ўз фикрини шундай ифода қилади:

Мен бир аёлни биламан. Унинг исми Мақсуда, уч боласи бор, эри ҳайдовчи. Улар ўрта хол яшашади. Лекин уйларида бирон марта уриш-жанжал бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Бир-биридан меҳр-муҳаббатни аяшмайди. Ёки хотини миннат қилиб, эрини ранжитган эмас. Хуллас, чўмичда бори ўртада. Менимча, оилада бир-бировни тушуниб, оғизбирчиликда яшаш керак. Топиш тутишлари унча бўлмасада, борига барака қилиб яшашади. Шунинг учун айтсалар керак, «қорнинг оч бўлса ҳам, кўнглинг тўқ бўлсин», деб».

Гулсаранинг гапларига нима дейсиз?

«Эркак оиланинг устуни. У хотинини ҳам таъминлаши керак. Агар унда шундай қобилият бўлмаса эркак оила қурмагани маъқул. Қўлидан ҳеч иш келмайдиган, эркатой ўғилни уйлантириб қўйишади-да, кейин келиндан кўришади. Сўнгра эркатой ўғил хотинидан ажрашади, қўяди.

Хотин ҳам дард чекади, қувонади. Рўзғорнинг бор-йўғи билан ҳеч қандай иши бўлмай, қўлига пул тушса ҳузур-ҳаловатдан бошқани ўйламайдиган эркатой ўғил ўзига ҳам савол берсин-чи? Бир куни келиб кўнгил шишаси сингудек бўлса, энг аввало аёлни айбдорга чиқаришлари аниқ».

Ҳа, турмуш ташвишларининг гоҳо чеки-чегараси йўқдай. Лекин оилада гўзаллик мазмунини кашф қилувчи «муҳаббат» деган тушунча мужассам бўлмоғи керак. Қалблар усиз қолдими, демак у қашшоқликка, тубанлик ва хиёнатга юз тутади.

Шундай аёллар борки, садоқатни қалбининг мулки деб биладилар. Шоир Ҳамид Олимжон айтганидек, «Турмуш гўзал, муҳаббат уни яна ҳам гўзал ва нуроний қилади».

Оила — вафодорлик, садоқат ва муҳаббатдан мустажоб бўлган қасрдир. У ана шу маънавий бойликлардан холи қолдими, дарз кетади. Ҳазрати Навоий аёлларнинг поклиги, ҳалоллиги борасида бебаҳо сатр битганлар:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотинлар оёғининг изи.

Ўзбек хотин-қизларининг меҳнатсеварлиги, нафосатли ва назокатлилиги, ибо ва ҳаёга бойлиги, табиатан вазминлиги, садоқатлилиги ғоятда қадрланади. Нодирабегим, Тўмарис ва Тўрабекхоним сингари мўътабар, табаррук аёлларнинг қони шарқ хотин-қизлари томирида жўш урмоқдаки, уни ҳар бир киши ҳис қилиб турмоғи керак.

Аёл тенгсиз бир қудратли кучга, шундай маънавий камолатга эгаки, бундан келажак ҳам баҳра олади.

Ўзбек аёлларига иймон, диёнат, чин муҳаббат ва покизалик ярашади. Момоларимизнинг ёстиқдошларига бўлган асрий садоқатлари хотин-қизларимиз қалб қўрларига, кўз нурларига жо бўлғай. Муҳаббатдан яралган қалб гўзалдир. Худди санъаткор куйлаганидек:

Муҳаббатда вафоли бўл
Бевафони кечирмаслар...

Д. БЕКЖОНОВА.

*Санъат*

## САМОЛАРГА ТАЛПИНАР ЮРАК

Санъат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу менинг ҳам, сизнинг ҳам фалсафангиз эмас. Балки ҳаётнинг қонуни, иқтидор деган неъмат эса ҳар кимга берилавермайди. «Баҳор» Давлат халқ рақс дастаси раққосаси Розия Одамбоева ана шундай неъматга мушарраф бўлганлардан. Розиянинг ҳар бир рақси бир сир. Сирлари эса юракка яқин.

*Сиз учдингиз самолар сари,*
*Оққуш каби тўлғанди юрак.*
*Она, ундай учмоғим учун*
*Мен раққоса бўлишим керак.*

ЛАЙЛО.



*НАВО ЖИЛОСИ*

## «ДИЛОРОМ»НИ ТИНГЛАГАНМИСИЗ?

Мен бу қўшиқни эшитганимга саккиз йил бўлди. Саккиз йил аввал эҳтироснинг нозик кучида юрган ўспирин йигит юрагида ушбу қўшиқ муҳрланиб қолди. Кейин йиллар ўтди. Ҳофиз бу қўшиқни бошқа куйламади, ё менинг йўлимда бу нола учрамади. Ҳар мунглуғ хотира уйғонганда ёдимга ўша қўшиқ-куй келаверади.

Дилимда қолмади тинчлик ва ором,
Талаб кетди ўшал маъшуқи Баҳром.

Ҳофиз «Дилором»ни куйлаганда майин шамолдан сокин тебранаётган дарахтдай беихтиёр кўзларингизни юмиб мусиқага ҳамоҳанг чайқаласиз.

Умрнинг қайсидир куни художўйман, деб юрганингизда юрагингиз бўм-бўшлигини сезиб қоласиз. Қўрқувдан, жаннат умидиданми билмадим, ё чин муҳаббатга ташналикданми бир туйғу истайсиз. Уни юрагингиз зарбига ҳамдам этгингиз келади. Ва шу тариқа дилингиз ором олишини истайсиз.

Қўшиқ давомида қалбингиз куя бошлайди. Бир денгиз истайсиз. Денгиз устида унинг оқимига бўйсуниб кетгингиз келади. Унинг ҳар бир мавжи жисмингизни тонгги сабо каби силайди. Оқимга бўйсунасиз, қарорингиз қолмайди.

Югурдим ҳар тараф манзил бaманзил,
Талаб айлаб сени эй чеҳра гулфом.
На сендан бир хабар топдим, на пайғом,
На сендин менга соғар бор, на бир жом.

Билсам, эҳтирос кучида ҳаётнинг дарсини ўтамоқ осон иш экан. Эсган шамолга, гуллаган гулга, йиғлаган юракка ҳис тўла кўз билан боқмоқ осон иш экан. Айниқса ёшликда. Ёшлик ёшлик экан, билсам. Аммо шу ёшлик униб чиқаётган дилнинг уруғи экан. Ўша эҳтиросу ҳислар манба экан. Шайдо бу дил малҳам истайди. Лайлисиз бу дил бир қўшиқ истайди. Токи бу қўшиқ пайваста бўлсин, дилни лайлибанд қилсин.

Саккиз йил умрим «Дилором»сиз ўтди. Гоҳи умр йўлида армон шамоли эсади. Шамол ёлғондан эсгандек бўлади, гоҳи кўнгил изтироби рўё кўринади. Ҳамма-ҳаммасининг йиғиндиси охир-оқибатда сароб бўлишидан дил чўчийди. Шунда ойнинг шуъласи ҳам юракни тирнайди. Ногоҳ куз жилваланади. Оқибат! Оқибат, ҳамма маъни шунда. Мазмун, шакл шунда. Армон бунда. Муҳаббат учун гаровга қўйилган умрнинг шодликка улаш бўлмаганига афсус чеккандай бўласан. Во, ажаб дил! Во, ажаб кўнгил!

Ғазал битмоқни қўй эмди, Низомий,
Кириб хилватга чўк туш зору ноком.

Ҳисоб қилсам, ушбу қўшиқни эшитмаганимга саккиз йил бўлибди. Яна ҳисоб қилсам, саккиз йилдан бери ҳофиз ул қўшиқни куйламайди. Балки ҳофиз юраги гуллагандир. Ундан шубҳаю гумонлар бартараф бўлиб, унда соқий шароби жилва этмоқдами, ё «йигитликнинг аъвонида ишрат замони» ҳадиклари жилва қилмоқдаму? Не бўлса ҳам бу юртда шундай юраклар борки, улар бойликка муҳтож эмас. Бир қўшиққа муҳтож. Улар қўшиқ тинглаб тинчланади.

Мурод ШАМБАЕВ.

